

Тазкия дарслари (82-дарс). Ҳаж



15:30 / 25.04.2020 5310

Исломнинг бешинчи руки бўлмиш ҳаж ибодати ҳам нафсни поклашда ва ахлоқни сайқаллашда катта таъсири бор омилдир. Бу маънони Қуръони Каримда ҳаж ҳақида келган оятларнинг баъзисига назар ташлаш билан фаҳмлаб олсак бўлади.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

«Ҳаж маълум ойлардир. Кимки уларда ўзига ҳажни фарз қилса, ҳажда шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжал йўқдир» (197-оят).

«Ўзига ҳажни фарз қилиш» ҳажни ният қилиб эҳромга кириш деганидир. Демак, ундай одамга шаҳвоний ишлар, яъни жинсий яқинлик ва унинг ҳақидаги гап-сўзларни сўзлаш ва шунга ўхшаш нарсалар мумкин бўлмайди. Яна ҳажда фисқ – катта-кичик гуноҳ ишларни қилиш, одамлар

билан талашиб-тортишиш ва сўкишиб, жанжал чиқариш каби ишлар ҳам мумкин эмас.

Ҳаж қилувчи инсон улуғ мақомга эришган бўлади. У дунёвий ишларнинг барчасидан ажраган ҳолда Аллоҳ таолога юзланади, Роббул оламийнинг уйини зиёрат қилгани чиққан бўлади. Шу боис, у олий даражадаги одоб билан одобланиши зарур. Ҳамма ёмон нарсаларни тарк этиб, яхши ишларни кўпроқ қилиши лозим.

Аллоҳ таоло Ҳаж сурасида марҳамат қилади:

«Ким Аллоҳнинг нишонларини улуғласа, бас, албатта, бу қалбларнинг тақвосидандир» (32-оят).

Ушбу ояти каримадаги «нишонлар»дан мақсад ҳажда қурбонликка сўйиладиган катта ҳайвонлардир. Демак, ҳажда сўйишга аталган ҳайвонларни улуғлаш, авайлаш, эъозлаш қалб тақвосидан экан. Зеро, ҳаж ибодатидан кўзланган асосий мақсад ҳам тақводир.

Ҳаждан кўзланган мақсад мукаммал равишда рўёбга чиқиши учун бир қанча қалб амаллари ва одобларни бажо келтириш лозим бўлади.

«Руҳий тарбия» китобидан